



Ўзбекистон, Toshkent shahar, 100159, Mustaqillik maydoni, 5  
Tel.: (99871) 239-17-30, faks: 239-40-77, web-site: [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz), e-mail: [info@xtv.uz](mailto:info@xtv.uz)

«19» июль 2017 у.

03-0 4/1-2-343 sonli

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатасининг депутаты  
Р.Қобилова

Сизнинг, Самарқанд вилояти Каттакўрғон туманидаги халқ таълими тизимини ўрганиш натижалари бўйича аниқланган камчиликлар юзасидан 2017 йил 31 майдаги 04/Д-55-27-сонли хатингиз асосида қуйидагиларни маълум қиламиз.

Бугунги кунда Каттакўрғон туманида 100 та умумтаълим мактаблари, 45 та мактабгача таълим муассасалари ва 1 та “Баркамол авлод” болалар маркази фаолият кўрсатмоқда.

Туманда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 321-сонли қарорига асосан мазкур йилларда тумандаги 77 та мактабларда, жумладан 3 та янги мактаб қурилган, 29 та мактабда капитал реконструкция, 22 та мактабда капитал таъмирлаш ва 23 та мактабда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Тумандаги мавжуд мактабларга нисбатан 76,3 фоиз мактабларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланган.

2011 йил Инвестиция дастури доирасида тумандаги 3 та умумтаълим мактаблари (51, 58, 81-мактаблар) реконструкция қилинган. Шунингдек, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан туман “Баркамол авлод” болалар маркази капитал таъмирланган.

2012 йил Инвестиция дастури доирасида тумандаги 3 та умумтаълим мактаблари (24, 85, 88-мактаблар) реконструкция қилинган.

2013 йил Инвестиция дастури доирасида тумандаги 5 та таълим муассасалари (собиқ 57-мактаб интернатига 210 ўринли ётоқхона қурилган, 13, 38, 49, 52-мактаблар) реконструкция қилинган.

2014 йил Инвестиция дастури доирасида тумандаги 4 та умумтаълим мактаблари (45, 62, 83, 94-мактаблар) реконструкция қилинган ҳамда 1 та мактаб (25-мактаб) капитал таъмирланган.

2015 йил Инвестиция дастури доирасида тумандаги жами 5 та, шундан 4 та умумтаълим мактаблари (22, 36, 92, 93-мактаблар) реконструкция қилинган ҳамда 1 та мактаб (6-мактаб) капитал таъмирланган.

2016 йил Инвестиция дастури доирасида тумандаги жами 3 та умумтаълим мактаблари (26, 35, 90-мактаблар) реконструкция қилинган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 апрелдаги ПҚ-2873-сонли қарорига асосан, 2017 йил Инвестиция дастури доирасида тумандаги 2 та умумтаълим мактаблари (19, 47-мактаблар)

реконструкция ва 1 та умумтаълим мактаби (7-мактаб) капитал таъмирланмоқда ҳамда 3 та мактабгача таълим муассасаси (3, 6, 56-МТМ) реконструкция қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли қарорига асосан туманда 2017-2021 йилларда 32 та МТМ биноларини реконструкция қилиш ҳамда 2 та МТМ биноларини капитал таъмирлаш кўзда тутилган.

Манзилли дастур асосида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилган умумтаълим мактаблари замонавий ўқув ва мебел жиҳозлари, физика, химия, биология лаборатория жиҳозлари, компьютер техникалари билан таъминланиб келинмоқда.

Физика, химия, биология лаборатория жиҳозлари билан таъминланмаган мактабларни лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш бўйича бошқарма томонидан Халқ таълими вазирлигига буюртма берилган.

Инвестиция дастури асосида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган умумтаълим мактабларининг барчаси компьютер техникалари билан таъминлаш Манзилли рўйхатига киритилган бўлиб, компьютер синфи мебеллари (стол-стул, парталар) тўлиқ етказиб берилган. Қисқа муддат ичида компьютер техникалари билан босқичма-босқич тўлиқ таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 декабрдаги “2015-2020 йилларда умумтаълим мактабларини замонавий спорт заллари билан таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 331-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича вилоятда спорт заллари мавжуд бўлмаган мактабларга 2015-2020 йилларда замонавий спорт заллари қуриш асосий параметрлари шакллантирилиб, вилоят ҳокимининг 2014 йил 6 декабрида 256-Қ-сонли қарори қабул қилинган ва тумандаги спорт заллари бўлмаган 37 та умумтаълим мактабларига 2015-2020 йилларда замонавий спорт заллари қурилиши белгиланган.

Каттакўрғон туман халқ таълими муассасалари учун 2017-2018 ўқув йили, куз-қиш мавсуми учун 2346 тонна кўмир (1242 тонна кўмир, 1104 тонна брикет) ёқилғиси етказиб бериш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги “2015-2019 йилларда иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сиғимини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги ПҚ-2343-сонли ҳамда вилоят ҳокимлигининг 2015 йил 8 майдаги 109-Қ-сонли қарорларига асосан 2017 йилда тумандаги 3, 6, 14, 35, 56-МТМлар ҳамда 19, 47-умумтаълим мактабларидаги иситиш қозонларини тежамкор иситиш қозонларига алмаштириш режалаштирилган.

Ҳақиқатдан ҳам сўровингизда баён қилинганидек, 2016-2017-ўқув йили якунига кўра Каттакўрғон туманида айнан чекка ҳудудларда жойлашган умумий ўрта таълим мактабларида 15 нафар педагог ходимга эҳтиёж мавжуд бўлиб, улардан 5 нафари инглиз тили ўқитувчиси.

Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси ҳамда Каттакўрғон тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мутасадди ходимлари томонидан ушбу эҳтиёжни қоплаш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10-декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарорининг 6-бандида белгиланган имтиёз асосида фақатгина 2013 йилда Каттақўрғон туманидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тавсияномалари асосида инглиз тили ихтисослигига бўйича олий таълим муассасаларига 4 нафар абитуриент мақсадли қабул қилинган. Ушбу талабалар 2017 йилда олий ўқув юртини тугатишди, улар билан мутасадди ходимлар томонидан белгиланган мактабларда беш йил ишлаб бериш борасида уч томонлама шартномалар имзоланди. Шунингдек, бу йил Каттақўрғон тумани мактабларига олий ўқув юртларини тугатган 30 дан ортиқ ёш мутахассис келиши кутилмоқда.

Бундан ташқари тумандан уч нафар педагог керакли мутахассислик бўйича қайта тайёрлов курсларини тугалламоқда ҳамда 40 дан зиёд педагоглар бола парваришlash таътилидан қайтиб, ишга тушиши кутилмоқда.

Ушбу тадбирлар асосида 2017-2018 ўқув йилида Каттақўрғон тумани умумий ўрта таълим мактабларида педагог кадрларга бўлган эҳтиёж бартараф этилади.

*Маълумот тариқасида киритилмоқда.*

**Вазир ўринбосари**



**Д.Кенжаев**